

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИҢ ЖАНУБИЙ ХУДУДИ МЕЛИПОТИНИ ТРИБАСИ ТАНГАЧАҚАНОТЛИЛАРИНИҢ ТУР ТАРКИБИ ВА БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Х.Ғ.Бекчанов – биология фанлари доктори (DSc)

Урганч давлат педагогика институти

Н.Ядгорова – ассистент ўқитувчи

Урганч давлат университети

Таянч сўзлар: биоэкологик, зоогеография, синантроп ва субсинантроп, субмикротерм, тўқай.


Ключевые слова: зоогеография, синантропные и субсинантропные, субмикротермные, лесные, антропогенные.

Key words: zoogeography, synanthropic and subsynanthropic, submicrothermal, forest, anthropogenic.

Кирриш. Қорақалпоғистон Республикаси ўзига хос хилма хил биотоп ва экосистемаларга эга, бу эса унинг хайвонот олами ниятда ранг-баранглигини белгилайди. Жойлашган географик ўрнига кўра чўл ва саҳролардан иборат кенг текисликлар, қадимги тоғ ва даштлари, тўқайзор, сув ҳавзалари ва маданий ландшафтлари фаунистик мажмуаларга эга экотизимларни ташкил қилади. Ушбу экотизимларни олимлар томонидан илмий асосда ўрганиш борасида жадал изланишлар олиб борилмоқда. Аммо табиий ландшафтларда учрайдиган ҳашаротлар (Insecta) синфига мансуб тангачақанотлилар туркуми (Lepidoptera) вакиллари тур таркиби ва экологик хусусиятларини етарлича ўрганилмаган. Табиий ва агроценозларда турлар таркиби ташқи хилма-хил омиллар таъсирида доимо ижобий ва салбий томонга ўзгариб туриши ҳаммага маълум. Биоценоз ва агроценоздаги турлар сони ҳам кескин ўзгариб бормоқда. Жаҳонда тангачақанотли ҳашаротларнинг биологик хилма-хиллик хавфсизлигини таъминлаш, турли омиллар таъсирида тангачақанотли ҳашаротларнинг табиий ва антропоген ландшафтларда тарқалишини аниқлаш, йўқолиб кетаётган ва кам учрайдиган турларни муҳофаза қилиш чораларини ҳамда зарарли турларига нисбатан самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш жадал суратларда олиб борилмоқда.

Тангачақанотлиларнинг тур таркиби, тарқалиши, биоэкологик хусусиятлари, таксономияси, экосистемалардаги роли, маданий ўсимликларни ҳашаротлардан ҳимоя қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар, бир қанча етакчи олимлардан Туркменистон кумидаги саксовул ва қандимга зарар етказадиган уч турдаги капалакларнинг биологияси ҳақида маълумотлар М.А.Даричева мақолаларида ёритилган. Айрим мамлакатларда ушбу кенжа оила ва трибага кирувчи ўрганилган турларнинг рўйхати бир неча юзгача етди, масалан, Марказий Европада 597 тур (Новаски, 1998), Озарбайжонда 666 (Алиев, 1984), Кискавказда 684 (Полтавский, Лиман, 2002), 549 тур ва ҳаказо.

Тадқиқотлар, асосан уч йил (2019-2023) мабойнида белгиланган икки хил маршрутда ҳамда стационар усулда олиб борилди. Тангачақанотлиларни йиғишда энтомологик методлардан фойдаланилди. Тадқиқотлар олиб борилган ҳудудлар харитада белгилаб қўйилди (1-расм)



1-расм. Материаллар йиғилган координаталар. Тахтакўпир 43.062795, 61.971340. Тўркул 41.569373, 61.784896, Беруний 42.032661, 60.697305, 42.309025, 61.349859. Караузак 42.332001, 60.573009 __ (Google Earth)

Аниқланган турлар рўйхати

Триба: MELIPOTINI

Авлод: Drasteria (Hubner, 1818)

1. Drasteria tenera (Staudinger, 1877).

Синонимлари: Leucanitis tenera (Staudinger, 1877).

Биоэкологияси: Биволтин. Капалагининг учуш вақти: май охири – август. Қуртларининг фаол даври: сентябрь ойлари. Хоразм воҳаси учун илк бор келтирилиши. Қуртларининг озука ўсимлиги: Calligonum. Мўътадил гуруҳ, тамнобионт, монофаг, баҳорги ёзги тур. Биотопи – қумли ёки псаммофит чўл. Қишлаш босқичи тухум. Кўп учрайдиган тур.

Аниқланган жойи ва муддати: 41.569373, 61.784896, 04.VI.2014, 17.VI.2016; 12 ♂♂ 34 ♀♀. 42.032661, 60.697305: 13. VI.2020, 17. VI.2018; 26 ♂♂ 42 ♀♀. 42.309025, 61.349859: 17.VI.2020; 52 ♂♂ 8 ♀♀. 42.332001, 60.573009. 22.V.2017; 38 ♀♀. 41.569373, 61.784896: 04. V.2001; 26 ♂♂, 39 ♀♀. 42.032661, 60.697305: 04. V.2019, 04. V.2020; 13 ♂♂, 41 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Ўрта Осиё эндеми.

2. Drasteria sesquillina (Staudinger, 1888).

Синонимлари: Ophiusa sesquistria (Eversmann, 1854).

Биоэкологияси: Моноволтин. Капалагининг учуш вақти: май – август. Қуртларининг фаол даври: сентябрь ойлари. Қуртларининг озука ўсимлиги: Salix viminalis. (Ишқов, 1986). Мўътадил гуруҳ, дендробионт, монофаг, баҳорги ёзги тур. Биотопи – тўқай. Қишлаш босқичи тухум. Кўп учрайдиган тур. Ўзбекистон учун илк бор келтирилиши.

Аниқланган жойи ва муддати: 43.062795, 61.971340 : 07.VIII.2019, 46 ♂♂, 11 ♀♀. 42.332001, 60.573009 : 08.VIII.2000, 28.VIII.2002; 8 ♂♂, 33 ♀♀. 08. V.2019; 47 ♂♂. 28.V.2019; 76 ♂♂. 08.VIII.2019; 5 ♂♂,

39 ♀♀. 07.VIII.2019, 27 ♂♂, 38 ♀♀. 43.062795, 61.971340 : 17.VIII.2000, 21.VI.2020; 27 ♂♂, 31 ♀♀. Гозовот: 03.VIII.2016, 47 ♂♂, 50 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Ўрта Осиё эндемиги.

3. *Drasteria aberrans* (Staudinger, 1888).

Синонимлари: *Leucanitis aberrans* (Staudinger, 1888).

Биоэкологияси: Моноволтин. Капалагининг учуш вақти: май – август. Қуртларининг фаол даври: июль – сентябрь. Қуртларининг озуқа ўсимликлари: *Betula*, *Alnus*, *Salix*, *Quercus*. Суббореал- субтропик гуруҳ, дендробионт, полифаг, баҳорги ёзги тур. Биотопи - тўқай. Қишлаш босқичи тухум. Кўп учрайдиган тур.

Аниқланган жойи ва муддати: 43.062795, 61.971340 : 07.VIII.2019, 17 ♂♂, 26 ♀♀. 42.332001, 60.573009 : 08.VIII.2000, 42.032661, 60.69730528.VIII.2002; 7 ♂♂, 31 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: (Шаркий Палаеарктик. Ўрта Осиё (Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Ўзбекистон, Моғолистон,)

4. *Drasteria caucasica* (Kolenati, 1846).

Синонимлари: *Euclidia caucasica* (Kolenati, 1848), *Leucanitis caucasica f. aksuensis* (Fuchs, 1903), *Ophiusa astrida* (Eversmann, 1857).

Биоэкологияси: Моноволтин. Капалагининг учуш вақти: май - август. Қуртларининг фаол даври: сентябрь ойлари. Қуртининг озуқа ўсимлиги: *Elaeagnus* (Даричева1965, Шек, 1975). Мўътадил гуруҳ, дендробионт, монофаг, баҳорги ёзги тур. Биотопи - тўқай. Қишлаш босқичи тухум. Одатий тур.

Аниқланган жойи ва муддати: 43.062795, 61.971340 : 07.VIII.2019, 23 ♂♂, 12 ♀♀. 42.332001, 60.573009 : 28.VIII.2002; 14 ♂♂, 15 ♀♀. 43.062795, 61.971340 : 20.VIII.2000; 17 ♂♂, 6 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Транспалеарктик. Эрон, Юго-зап, Сибирь, Ўрта Осиё.

5. *Drasteria christophi* (Alpheraky, 1895).

Синонимлари: *Microphisa rada* (Boisduval, 1848), *Leucanitis altivaga* (Alpheraky, 1893), *Leucanitis christophi* (Alpheraky, 1895).

Биоэкологияси: Моноволтин. Капалагининг учуш вақти: апрель- май. Қуртларининг фаол даври: сентябрь ойлари. Қуртининг озуқа ўсимлиги: *Elaeagnus* (Даричева1965, Шек, 1975). Мўътадил гуруҳ, дендробионт, монофаг, кеч баҳорги тур. Биотопи - кумли ёки псаммофит чўл. Қишлаш босқичи тухум. Одатий тур.

Аниқланган жойи ва муддати: 43.062795, 61.971340 : 07.V.2018, 8 ♂♂, 12 ♀♀. 42.332001, 60.573009 : 12.IV.2000, 1 ♂♂, 19 43.062795, 61.971340 : 17.V.2014; 24 ♂♂, 11 ♀♀. 43.062795, 61.971340 : 05.VIII.2020; 7 ♂♂, 19 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Транспалеарктик.(Европа, Жанубий Фарбий Осиё, Ўрта Осиё)

6. *Drasteria saisani* (Staudinger, 1882).

Синонимлари: *Leucanitis saisani* (Staudinger, 1882).

Биоэкологияси: Биволтин. Капалагининг учуш вақти: апрел- июн. Қуртларининг фаол даври: сентябрь ойлари. Қуртининг озуқа ўсимлиги: *Atraphaxis spinosa* Қизилқум ва Устюртда учрайди (Кузнецов, 1960; Фалкович, 1969, Сухарева, 1972). Мўътадил гуруҳ, тамнобионт, монофаг, баҳорги ёзги тур. Биотопи - шўрланган ёки галофитик чўл. Қишлаш босқичи ғумбак. Одатий тур.

Аниқланган жойи ва муддати: 41.569373, 61.784896, 04.VI.2014, 17.VI.2016; 17 ♂♂ 12 ♂♂. 43.062795, 61.971340: 05.VIII.2020; 7 ♂♂, 17 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Ўрта Осиё эндемиги.

7. *Drasteria sesquistria* (Eversmann, 1854).

Синонимлари: *Ophiusa sesquistria* (Eversmann, 1854).

Биоэкологияси: Биволтин. Капалагининг учуш вақти: май- сентябр. Қуртларининг фаол даври: июн-оқябр ойлари. Қуртининг озуқа ўсимлиги: *Calligonum*. Қизилқум ва Устюртда учрайди (Щеткин, 1965; Фалкович, 1969). Мўътадил гуруҳ, тамнобионт, монофаг. Баҳорги ёзги кузги тур. Биотопи - кумли ёки псаммофит чўл. Псаммофил. Қишлаш босқичи ғумбак. Кўп учрайдиган тур.

Аниқланган жойи ва муддати: 41.569373, 61.784896, 04.VI.2014, 17.VI.2016; 8 ♂♂ 47 ♀♀. 42.032661, 60.697305: 13. VII.2020, 17. VI.2018; 36 ♂♂ 11 ♀♀. 42.309025, 61.349859: 17.VII.2020; 32 ♂♂ 19 ♀♀. 42.332001, 60.573009 : 22.V.2017; 54 ♀♀. 41.569373, 61.784896: 04. VI.2001; 14 ♂♂, 46 ♀♀. 42.032661, 60.697305: 04. VIII.2019, 04. VIII.2020; 38 ♂♂, 27 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Ўрта Осиё эндемиги.

8. *Drasteria picta* (Christoph, 1877).

Синонимлари: *Leucanitis picta* (Christoph, 1877).

Биоэкологияси: Биволтин. Капалагининг учуш вақти: апрелдан кузгача. Қуртларининг фаол даври июнь-оқябрь ойлари. Қуртининг озуқа ўсимлиги: *Calligonum*. Қизилқум ва Устюртда учрайди (Щеткин, 1965; Фалкович, 1969), асосан кечқурун озикланади, мўътадил гуруҳ, тамнобионт, монофаг, баҳорги ёзги тур. Биотопи - кумли ёки псаммофит чўл. Қишлаш босқичи ғумбак. Кўп учрайдиган тур.

Аниқланган жойи ва муддати: 41.569373, 61.784896, 04.VII.2017, 17.VI.2021; 45 ♂♂ 11 ♀♀. 42.032661, 60.697305: 17.VI.2018; 32 ♂♂ 29 ♀♀. 42.309025, 61.349859: 17.VIII.2020; 6 ♂♂ 43 ♀♀. 42.332001, 60.573009 : 22.VIII.2017; 47 ♀♀. 41.569373, 61.784896: 04. V.2001; 23 ♂♂, 38 ♀♀. 42.032661, 60.697305: 04. IX.2019, 04.VIII.2020; 14 ♂♂, 42 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Ўрта Осиё эндемиги.

9. *Drasteria cailino* (Lefebvre, 1827).

Синонимлари: *Heliothis cailino* (Lefebvre, 1827).

Биоэкологияси: Биволтин. Капалагининг учуш вақти: май ойидан сентябрь ойининг ўртасигача. Қуртларининг фаол даври июнь-оқябрь ойлари. Қуртининг озуқа ўсимлиги: *Salix*. (Щеткин, 1965; Фалкович, 1969), асосан кечқурун озикланади, мўътадил гуруҳ, дендробионт, монофаг, Баҳорги ёзги кузги тур. Биотопи - тўқай. Қишлаш босқичи ғумбак. Кўп учрайдиган тур.

Аниқланган жойи ва муддати: Шўрохон: 03.IX.2016, 04.IX.2020; 42 ♂♂, 18 ♀♀. 27.VII.2019, 23.IX.2020; 24 ♂♂, 41 ♀♀. 42.332001, 60.573009 : 05. VI.2009, 28.VI.2002; 10 ♂♂, 48 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Ўрта Осиё эндемиги.

10. *Drasteria rada* (Boisduval, 1848).

Синонимлари: *Microphisa rada* (Boisduval, 1848).

Биоэкологияси: Биволтин. Капалагининг учуш вақти: апрелдан кузгача. Қуртларининг фаол даври июнь-оқябрь ойлари. Қуртларининг озуқа ўсимликлари: *Artemisia* ва *Chenopodiaceae* оиласи вакиллари. Чўллarda учрайди (Щеткин, 1965; Фалкович, 1969) асосан, кечқурун озикланади, Мўътадил гуруҳ, дендротамнохамебионт, олигафаг, баҳорги ёзги тур. Биотопи - Шўрланган ёки галофитик чўл. Қишлаш босқичи ғумбак. Ноёб тур.

Аниқланган жойи ва муддати: 43.062795, 61.971340 : 10.VI.2015; 3 ♂♂. 41.569373, 61.784896: 14.VI.2020; 2 ♂♂ 4 ♀♀.: 17. IX.2001; 5 ♂♂ 1 ♀♀. 41.569373, 61.784896: 08. VI.2015; 4 ♂♂, 1 ♀♀.

Зоогеографик вилояти: Ўрта Осиё эндемиги.

**Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудуди melipotini трибаси
тангачаканотлиларининг биоэкологик таҳлили**

Т. №	Авлод ва турлари	Ривожланиш босқичлари	Озука муносабат- лари	Биотопи	Фенологияси	Учраш микдори
Триба: MELIPOTINI						
1	<i>Drasteria tenera</i> (Staudinger, 1877)	Биволтин	Тамнобионт.	Кумли ёки псаммофит чўл	Баҳорги ёзги тур	Кўп учрайди- ган тур
2	<i>Drasteria sesquillina</i> (Staudinger, 1888).	Моноволтин	Дендробионт	Тўқай	Баҳорги ёзги тур	Кўп учрайди- ган тур
3	<i>Drasteria aberrans</i> (Saudinger, 1888).	Моноволтин	Дендробионт	Тўқай	Баҳорги ёзги тур	Кўп учрайди- ган тур
4	<i>Drasteria caucasica</i> (Kolenati, 1846).	Моноволтин	Дендробионт	Тўқай	Баҳорги ёзги тур	Одатий тур
5	<i>Drasteria christophi</i> (Alpheeraky, 1895).	Моноволтин	Дендробионт	Тўқай	Кеч баҳорги тур	Одатий тур
6	<i>Drasteria saiani</i> (Staudinger, 1882)	Биволтин	Тамнобионт	Шўрланган ёки галофитик чўл	Баҳорги ёзги тур	Одатий тур
7	<i>Drasteria sesquistria</i> (Eversmann, 1854).	Биволтин	Тамнобионт	Кумли ёки псаммофит чўл	Баҳорги ёзги кузги тур	Кўп учрайди- ган тур.
8	<i>Drasteria picta</i> (Christoph, 1877).	Биволтин	Тамнобионт	Кумли ёки псаммофит чўл	Баҳорги ёзги тур	Кўп учрайди- ган тур.
9	<i>Drasteria cailino</i> (Lefebvre, 1827).	Биволтин	Дендробионт	Тўқай,	Баҳорги ёзги кузги тур	Кўп учрайди- ган тур.
10	<i>Drasteria rada</i> (Boisduval, 1848).	Биволтин	Дендротамн- охламебионт	Шўрланган ёки галофитик чўл	Баҳорги ёзги тур	Ноёб тур

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистон Республикасининг жанубий ҳудуди Melipotini трибасига мансуб (*Drasteria*) авлод турлари ушбу регион учун биринчи бор қайд қилинмоқда. Melipotini трибаси тангачаканотлиларининг ривожланиш босқичига кўра моноволтин турлар 4 тани, Биволтин турлар эса 6 тани ташкил қилди. Трофик алоқасига кўра таҳлил қилинганда тамнобионтлар 4 турни, дендробионт 5 турни, фақат 1 тур дендротамнохламебионт эканлиги аниқланди. Тарқалган биотопига қараб эса кумли ёки псаммофит чўлда 3 тур, тўқай биотопда эса 5 тур, шўрланган ёки галофитик чўл 2 тур учраши аниқланди. Фенологик гуруҳига биноан баҳорги ёзги турлар 7 турни, баҳорги ёзги кузги турлар эса 2 тани, кеч баҳорги тур фақат 1 тани ташкил қилиши маълум бўлди. Учраш микдорига қараб эса, кўп учрайдиган турлар 6 тани, одатий турлар 3 тани, ноёб тур эса фақат 1 тани ташкил қилди.

Адабиётлар

1. Дубатов В.В. 1987. Новый вид совковидки (Lepidoptera, Thyatiridae) для фауны СССР, с описанием нового подвида // Чешуекрылые Дальнего Востока СССР. Владивосток: ДВО АН СССР. -С. 61-64.
2. Определитель насекомых Дальнего Востока России. 2005. Т. V. Ручейники и чешуекрылые / Отв. ред. М.Г. Пономаренко. Ч. 5. Владивосток: «Дальнаука». -С.575.
3. Стрельцов А.Н., Осипов П.Е. 2002. Чешуекрылые геометроидной серии (Lepidoptera: Geometriformes) надсемейств Uranoidea и Drepanoidea в фауне Амурской области // Проблемы экологии верхнего Приамурья: Сб. научн. тр. / Под ред. Колесниковой Л.Г. Вып. 6. - Благовещенск: Изд-во БГПУ. -С. 156-163.
4. Чистяков Ю.А. 1988. Семейство совковидки, или пухоспинки – Thyatiridae // Бабочки – вредители сельского и лесного хозяйства Дальнего Востока. Определитель. Владивосток: ДВО АН СССР. -С. 149-152.
5. Чистяков Ю.А. 1992. Сем. Thyatiridae // Насекомые Хинганского заповедника. Ч. 2. -Владивосток: Дальнаука. -С. 137-138.
6. Чистяков Ю.А. 2006. Аннотированный список высших ночных чешуекрылых (Lepidoptera: Heterocera, без Geometridae и Noctuidae) заповедника "Кедровая Падь" // Растительный и животный мир заповедника "Кедровая Падь". Владивосток: «Дальнаука». -С. 181-236.
7. Чистяков Ю.А. 2009. Семейство Drepanidae – Серпокрылки // Отв. ред. Стороженко С.Ю. Насекомые Лазовского заповедника. Владивосток: «Дальнаука». -С. 256-258.
8. Чистяков Ю.А., Дубатов В.В. 1987 [1988]. Совковидки рода Epipsestis Matsumura, 1921 (Lepidoptera, Thyatiridae) фауны СССР // Новые данные по систематике насекомых Дальнего Востока. Владивосток: ДВО АН СССР. -С. 133-137.
9. Dubatolov V.V. 1991. Moths from Southern Sakhalin and Kunashir, collected in 1989. Part 1. Macroheterocera, excluding Geometridae and Noctuidae // Japan Heterocerists' J. №. 161. -P. 182-187.
10. Freina J. de, Witt T. 1987. Die Bombyces und Sphinges der Westpaläarkt (Insecta, Lepidoptera). Band 1. Forschung & Wissenschaft Verlag G m b H. München. -P. 708.
11. Inoue H. 1982. Thyatiridae // in Inoue H. et al., Moths of Japan, Kodansha, Tokyo. Vol. 1. P. 418-425, Vol. 2. -P. 260-263.
12. Kim M.Y., Lee H.K., Ronkay L., Park K.T. 2006. A Review of the Korean Thyatiridae (Lepidoptera), including the Mt. Chanbaisan // J. Asia-Pacific Entomol., Vol. 9, №. 3. -P. 203-221.
13. Laszlo, Gy. M., Ronkay G., Ronkay L., Witt T. 2007. The Thyatiridae of Eurasia including the Sundaland and New Guinea (Lepidoptera) // Esperiana, Band 13. -P. 1-683.
14. Tshistjakov Yu.A. 2000. An annotated checklist of larger moths (Lepidoptera: Heterocera, except Geometridae and Noctuidae) of the Kamchatka peninsula, with notes on their zoogeography. Natural History Research, Special Issue. №.7. -P. 253-266.

РЕЗЮМЕ. Ушбу мақолада Қорақалпоғистон Республикасининг жанубидаги чўл ҳудуди melipotini трибаси тангачаканотлиларининг тур таркиби аниқланган ва шу билан бирга уларнинг биоэкологик хусусиятлари таҳлили ва турларнинг географик тарқалиши келтириб ўтилган.

РЕЗЮМЕ. В данной статье определен видовой состав трибы Melipotini пустынного региона на юге Республики Каракалпакстан и одновременно представлен анализ их биоэкологических особенностей и географического распространения видов.

SUMMARY. In this article the species composition of the Melipoti tribe of the desert region of the Yuge Republic of Karakalpakstan and the simultaneous analysis of the bioecological characteristics and geographical distribution of the species are presented in this state.